

# **ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Ўқув ишлари бўйича проректор,  
профессор \_\_\_\_\_ Боймурадов Ш.А.  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2017 й.**

## **ОФТАЛЬМОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ РЕЙТИНГ НИЗОМИ**

**Тошкент -2017**

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

Олий ва Урта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларининг кафедра ва деканатлари иш юритувида болган асосий хужжатларни соддал'аштириш тугрисидаги 2010 йил 29 август 340-сонли буйруги ижросини таъминлаш хамда академия буйича 24.09.2010 й. 193-сонли буйрукка Узгартериш киритиш, академиада Укув-услубий ишлар буйича иш юритшида ягона тартибни Урнатиш, талабалар давомати ва фанларни Узлаштириш борасида ягона талабларга амал килишни таъминлаш максадида:

- академия деканат ва кафедраларида булиши керак меъёрий хужжатлар, “Тошкент тиббиёт академияси деканат ва кафедраларида иш юритиш тизимини такомиллаштириш юзасидан йурикнома” ижро учун кабул килинсин;
- хар ойда мунтазам равища деканат Координацион Кенгаши утказилиб борилсин ва давомати ёмон, узлаштириши паст талабалар аникланиб, дарс колдириш сабаблари урганилсин ва урнатилган тартибда дарсга катнашиш, кайта топшириш учун рухсатномалар кайта топшириш муддатида курсатилган холда кафедраларга тақдим этилсин.
- касаллиги сабабли дарсларга катнашмаган хамда белгиланган муддатларда жорий, оралик ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида укишни бошлаганидан сунг семестр давомида еки 2 хафта муддатида топширишга рухсат берилсин.
- таътил ёки байрам муносабати билан берилган дам олишдан сунг биринчи кун сабабсиз дарс колдирган талабаларга колдирилган машгулотни кайта топшириш учун рухсат семестр тугаганидан сунг берилади.
- академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин кайта узлаштириш учун бир ой муддат берилиши, шу муддат давомида фанни узлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кура белгиланган тартибда ректорнинг буйруги билан талабалар сафидан четлаштирилиши белгилаб куйилсин.
- деканатларда фанлар буйича жорий, оралик ва якуний назорат курсаткичлари натижаларининг доимий мониторинги ташкил килинсин.

### **Кафедра мудирлариға:**

- 3 ва ундан ортиқ дарс колдирган талабаларнинг кейинги машгулотларга куйилиши деканат рухсатномаси асосида амалга оширилсин; талабалар томонидан колдирилган маъруза ва амалий машгулотларни тулик, кайта топширилиши таъминлансин;
- талабалар томонидан колдирилган маъруза, колдирилган еки узлаштирилмаган амалий машгулотлар кайта тошпиримаган тақдирда, бу талабалар ОН ва ЯНларга куйилмасин;
- уч ва ундан ортиқ сабабсиз колдирилган машгулотларни кайта топшириш деканат Координацион кенгashi рухсатномаси асосида кафедрада ташкил этилган комиссия томонидан кабул килинсин;
- талабанинг колдирган машгулотларни кайта топширганини тасдикловчи хужжатлар кафедрада бир йил давомида саклансин
- узлаштириши (55%дан паст) паст талабалар Координацион кенгаш хулосасига кура деканат фармойиши билан семестр давомида кайта топшириши мумкин.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Конунларининг таълим сифатини кўтаришга қаратилган тадбигини янада самарали йўлга қўйишга йўналтирилган бўлиб, у Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 август 276-сонли буйруги билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган ва ундан тиббиёт олий ўқув юртларида талабалар билимини баҳолашда меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланилади.

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, қўникма

ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, қўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш қўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ё) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компютерлаштиришга шароит яратиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

## **II. НАЗОРАТ ТУРЛАРИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

4. Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан ТТА Илмий услубий кенгашида мухокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

5. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуидаги назорат

турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий баҳолаш – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўнирма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, сұхбат, назорат иши, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин. Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт;

талабанинг мустақил иши ўкув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўкув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услугий ва ахборот ресурслари жиҳатдан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади. Талабанинг мустақил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва 2 йил мобайнида сақланади;

оралиқ баҳолаш – 5 курсда –1та, 6 курсда – 1та, ўкув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўнирма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат шакли (тест, оғзаки) кафедра томонидан белгиланган. ОН га ўкув машғулотларидан қарзи бўлмаган талабалар қўйилади. ОН бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл туплаган талаба ЯНГа қўйилмайди.

якуний баҳолаш – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат кафедрада “ОСКИ” ва тест марказида тест топширади. ТМИ топширган, ЖБ ва ОБга ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯБга иштирок этиш хуқуқи берилади. ЯБ ОСКИ ва тест усули комбинациясида ўтказилган ҳолда баллар нисбати мос равишда 50%:50% ни ташкил этади. ОСКИ ва тест натижасида тўпланган баллар ЯБни тегишли балини ташкил этади. Агар ёзма иш натижалари бўйича талаба қониқарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди.

7. Оралиқ баҳолашни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

### **III. БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

8. Талабаларнинг билим савияси, кўнирма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

9. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

жорий баҳолаш - 50 балл

оралиқ баҳолаш - 20 балл

якуний баҳолаш - 30 балл

**ЖАМИ**

**100 балл**

№	Бахолаш тури	Максимал балл	Коэффициент	Саралаш бали
1.	Жорий баҳолаш	50	0,5	
2.	Оралиқ баҳолаш	20	0,2	
3.	Якуний баҳолаш	30	0,3	
	ЖАМИ	100	1	55,0

**6 – курс** даволаш ва тиббий педагогика факултетлари учун:

ЖН – 50%

ОН – тест – 20%

ЯН – “ОСКИ” – 30%

**5 – курс** даволаш ва тиббий педагогика факултетлари учун:

ЖН – 50%

ОН – тест – 20%

ЯН – “ОСКИ” – 15%

ЯН – тест – 15%

**5 – курс** тиббий- профилактика факультети учун:

ЖН – 50%

ОН – оғзаки – 20%

ЯН – “ОСКИ” – 30%

**Куз касалликлари цикли** давомидаги ЖН ни баҳолашда 100% дан келиб чикан ҳолда:

**50%** - амалий куникмалар (дарсни амалий кисми)

**45%** - назарий билим

**5%** - талабалар мустақил иши ташкил килади

**Офтальмология цикли** давомидаги талабанинг дарсда булмаганлиги (**ДБ**) ни кайта топшириши коидаси:

- куз касалликлари булимида 6 соат давомида навбатчилик;

- колдирилган мавзу бүйича реферат топшириш (кул ёзмада);

- мавзу бүйича назарий жавоб.

10. Талабанинг рейтинг дафтарчасига 100 баллик тизимда баҳоланади.

11. Талабанинг фан бүйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезоналар деб юритилади) тавсия этилади:

12. Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилган, кафедра мудири томонидан тасдиқланган ва талабаларга эълон қилинади.

13. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади.

14. Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади.

Жорий ва оралиқ назоратлар ва талаба мустақил ишининг ҳар бирига ажратилган баллнинг саралаш бали 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талabalар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

Агар талаба якуний назоратда шу назорат тури бўйича саралаш балидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралиқ назоратларда тўпланган балларга қўшилади.

15. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар назорат туридан (ЖБ, ОБ, ТМИ, ЯБ) белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йигиндисига тенг.

16. Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \cdot O'}{100}$$

бу ерда:

$V$  – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

$O'$  – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

#### **IV. БАҲОЛАШ ТУРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ**

17. Оралиқ ва якуний баҳолаш турлари календар-тематик режага мувофиқ ўқув-услубий бўлим томонидан тузилган назорат жадваллари асосида ўтказилади.

18. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан уч аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талabalарнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

19. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.